



## ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИ ТУШУНЧАСИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

Исамидинов Садирдин Ғанижонович

ИИБ Академияси мустақил изланувчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7854643>

### ARTICLE INFO

Received: 12<sup>th</sup> April 2023

Accepted: 21<sup>th</sup> April 2023

Online: 22<sup>th</sup> April 2023

### KEY WORDS

Фирибгарлик, жиноят,  
халқаро экспертлар,  
виктимологик  
профилактика, мулк ҳуқуқи.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада фирибгарлик жинояти тушунчаси борасида миллий олимларимизни илмий-назарий қарашлари таҳлил қилиниб, хорижий давлатлар тажрибалари ўрганилган.*

### Кириш

Дунёда ижтимоий жараёнда инсонларнинг ўртасида юзага келаётган турли хил муносабатларда содда, ишонувчан инсонларни алдаш ҳолатлари купайиб бормоқда. Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, ахборот технологиялари орқали содир этилаётган фирибгарлик жиноятларидан миллионлаб инсонлар жабр кўрмоқда. АҚШда 2021 йилда Федерал Савдо Комиссиясига ижтимоий тармоқлардаги фирибгарлик бўйича 95 000 та шикоят келиб тушган бўлиб, уларда жами 770 миллион долларлик зарар билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган.<sup>1</sup> 2022 йилда телефон фирибгарлиги бўйича жабрланувчиларга 53 млрд доллар зарар етказилган<sup>1</sup>. Россияда эса 2021 йилда фирибгарлар томонидан 45 миллиард рубл ўзлаштирилган.<sup>2</sup> 2022 йилда ушбу давлатда банк карталари билан боғлиқ фирибгарликлар 15,3 фоизга камайган бўлсада, бу каби ҳолатлар бўйича умумий кўрсаткич 877 мингтани ташкил этган<sup>3</sup>. Мазкур ҳолатлар бўйича фирибгарлар жабрланувчиларнинг телефон рақамларига SMS юбориш орқали уларнинг онлайн банкларига кириб олмоқдалар. Энг ачинарлиси мазкур турдаги жиноятлардан жабрланганларнинг 50% ихтиёрий равишда ўз маълумотларини, жумладан пароллар ва махфий кодларни фирибгарларга топшириб қўйишган. Мазкур ҳолатлар фирибгарлик жиноятининг виктимологик профилактикасини такомиллаштириш долзарб эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзгалар мулкни фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш жинояти қонунчиликда белгиланган мулкий турдаги жиноятларнинг нисбатан кенг тарқалган

<sup>1</sup>Телефонное мошенничество // [Электронный ресурс]. <https://www.tadviser.ru/index.php/> Статья: Телефонное\_мошенничество/(дата обращения: 10.04.2023).

<sup>2</sup> <https://pravo.ru/news/237547/>

<sup>3</sup> Мошенничество с банковскими картами и платежами. <https://www.tadviser.ru/index.php/>Статья: Мошенничество с банковскими картами и платежами (дата обращения: 10.04.2023).



тури ҳисобланади. Сўнги вақтларда инсонларни фирибгарлик йўли билан мулкка тажовуз қилишга қаратилган жиноятлар кўпайиб бормоқда. Бу каби шахслар фақатгина фирибгар жиноятчи сифатида хавфли бўлиб қолмай, унинг жиноий қилмиши туфайли давлат ва жамиятга, айниқса фуқароларга нафақат моддий зарар балки, у орқали маънавий зарар ҳам етказилмоқда. Фирибгарлик жиноий қилмиш бўлиши билан бирга аҳолига, айниқса ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи салбий иллатдир<sup>4</sup>. Чунки фирибгар ўз мақсадига эришиш учун ёлғондан восита сифатида фойдаланади.

Шу нуқтаи назардан, фирибгарлик билан боғлиқ жиноятчиликка қарши курашиш, унинг профилактикаси самарадорлигини ошириш бугунги ислохотлар жараёнида долзарблигича қолмоқда. Бу эса фирибгарлик жинояти тушунчасини илмий-назарий ва қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш ҳамда уни жамиятда бўлишини тақозо этувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этишнинг янги механизmlарини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга тадбиқ этишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, мулк унинг барча шаклларида дахлсиздир ва унга нисбатан ҳар қандай тажовуз қонунга асосан таъқиб этилади. Мулк иқтисодиёт асосини ташкил этади. Бозор иқтисодиёти шароитида мулк дахлсизлиги, мулк ҳуқуқининг кафолатланиши муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

### **Асосий қисм:**

Алдаш ёки ишончни суиистеъмом қилиш йўли билан ўзганининг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш ҳақида гапирилганда, энг аввало, унинг мазмунини ташкил этувчи – “фирибгарлик” атамаси билан боғлиқ бўлган айрим тушунчаларни таҳлил қилиш заруратдир. Таҳлиллар “Фирибгарлик” билан боғлиқ тушунчани таърифини ишлаб чиқишга хизмат қиладиган турли хил ёндашувлар мавжудлигини кўрсатмоқда:

*Биринчи ёндашув:* **Ўзбек тилининг изоҳли луғатида** “фирибгарлик” тушунчасининг луғавий маъноси – “алдамчилик, ҳийлагарлик”<sup>5</sup> маънолари билан изоҳланган. Демак, шахснинг бошқа бир шахсни алдаш орқали содир этган ҳаракатида намоён бўладиган қилмиш сифатида ифодланади.

*Иккинчи ёндашув:* Муқаддас динимиз **исломда** – алдов, фирибгарлик, бировни чув тушуриш, савдо-сотикда алдамчилик каби иллатлар қораланган. Ҳадиси шарифнинг ривоятларида “Кимки алдаб фириб берса, биздан эмас!”, “Кимки оиласидаги ёки қўшнисидаги мусулмонни алдаса, биздан эмас!”, “Эй, одамлар! Мусулмонлар орасида фирибгарлик йўқ! Кимки бизни алдаса, у биздан эмас!” дейилган.<sup>6</sup> Ислом фалсафаси бўйича, фирибгарлик алдов ва ёлғонга асосланган. Ёлғон эса Исломда жуда қаттиқ қораланган бўлиб, Қуръони Каримда ёлғон ҳақида 167 та оят

<sup>4</sup>Электрон манба: [23/03/2022]file:/Dissertatsiyaning%20elektron%20nuxsasi%20(pdf).pdf

<sup>5</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 8000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.Ҳ. – Т: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 348.

<sup>6</sup> Муслим 1/164; Доримий 2/2596; Ибн Можжа 2/2225; Аҳмад 2/9385; Ҳоким 2/2154-2156; Табароний «Мўъжам ал-авсат» 1/993, 3/2490, 4/3773, 4203, 8/8360; «Мўъжам ал-кабир» 11/11553, 22/524; Байҳақий «Сунан ал-кубро» 5/10743; Суютий «Жамъ ал-жавомеъ» 1/100, 5763, 5765-5767; Ҳайсамий «Мажмаъ аз-завоид» 4/6345-6348; Абу Авона 1/123; Ибн Абу Шайба «Муснад» 1/721; «Мусаннаф» 7/23607; Табризий 2/3520; Таҳовий 3/1136; Абу Нуайм «Маърифат ас-саҳоба» 11/3663



келтирилган<sup>7</sup>. Демак бу борадаги тушунчалар таҳлили ўзгаларни алдаш орқали мулкни қўлга киритишни тақиқлайди.

*Учинчи ёндашув:* Фирибгарлик жиноятининг юридик тушунчаси ҳамда унинг учун жавобгарлик масалалари **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 168-моддасида** назарда тутилган. Жиноий-ҳуқуқий тушунчада фирибгарлик алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганининг мулкни ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритишни англатади. Бундай қилмиш учун озодликдан маҳрум қилишгача бўлган жазо чоралари қўлланилиши назарда тутилган. Фирибгарлик тушунчасига берилган аниқроқ таъриф бу қилмишнинг жиноий-ҳуқуқий жиҳатларини очиб берган.

*Тўртинчи ёндашув:* Таҳлиллар фирибгарлик жиноятининг тушунчаси ҳамда унинг жиноий-ҳуқуқий жиҳатлари деярли барча ривожланган хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида белгиланганлигини кўрсатмоқда.

Хорижий давлатлар хусусан, Қозоғистон, Арманистон, Азарбайжон, Молдова, Грузия, Украина, Беларусь Республикаси ва Россия Федерацияси жиноят қонунчилигида фирибгарлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, фирибгарликнинг таърифи Ўзбекистон жиноят қонунида келтирилган таъриф билан ўхшаш мазмунда акс эттирилган. Хусусан:

**Айрим хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида** фирибгарлик тушунчасига қуйидагича таърифлар берилганлигини изоҳлаш мумкин:

**Япония** жиноят кодексига асосан фирибгарлик бошқа шахсдан мулкни алдаш орқали эгаллашни англатади. Агар шахс шу йўл орқали ўзи ёки бошқа шахс учун ноқонуний мулкни фойда кўрса, бундай ҳаракатлар ҳам фирибгарлик ҳисобланади.<sup>8</sup>

**Германия** жиноят кодексига фирибгарлик бошқа шахсдан мулкни алдаш орқали эгаллашда намоён бўлади ҳамда оддий, алоҳида оғир, компьютер, субсидия олишга қаратилган, капитал киритишга оид, кредит каби турларга бўлинади<sup>9</sup>.

**Хитой Халқ Республикаси** давлати ЖКнинг 192-198-моддалари фирибгарлик учун жавобгарлик белгилаган. Хитой давлатида фирибгарлик алдов асосида жиноятнинг усули ва предмети турларига кўра, ноқонуний пул маблағларини йиғиш, сақлаш, банкдан ёки бошқа кредит ташкилотларидан фирибгарлик йўли билан кредит олиш, вексель, аккредитив кредит карталари билан боғлиқ фирибгарлик турларига ажратилган<sup>10</sup>.

**АҚШ** жиноят қонунчилиги бўйича фирибгарлик деганда алдов тусига эга бўлган усул, келишув ва серқирра ҳаракатлар тизими тушунилади. АҚШ жиноят қонунига мувофиқ фирибгарликнинг кўзбўямачилик тусидаги мурожаатларга оид, компьютер, банк, солиқ, почта, телемаркетинг, банкротлик, кредит карталар орқали, тиббиёт,

<sup>7</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ёлғон – Т.: «Hilol-Nashr» 2019. – Б. 5.

<sup>8</sup> Коробоева А.И. Уголовный кодекс Японии. СПб., Юридический центр Пресс., 2002.–С.226.

<sup>9</sup> Шестакова Д.А. Уголовный кодекс федеративной Республики Германии. – СПб., Юридический центр Пресс, 2003. –С.524.

<sup>10</sup> Коробоева А.И. и Чучаева А.И., пер. С китайского проф. Хуан Даосю. Уголовный кодекс Китая. – М.: ООО «Юридическая фирма контракт», 2017. – 98-102 б.



ҳукумат ташкилотларига қарши, суғурта, қимматли қоғозлар айланмасига оид турлари мавжуд<sup>11</sup>.

**Австрия** қонунчилигига кўра жабрланувчининг маълум бир ҳаракатни амалга ошириши, бирон-бир ҳаракатга имкон бериши ёки фактик алдаш туфайли ҳаракатсизликни амалга ошириши фирибгарликни ташкил этади (*бунда унинг турлари: оддий, оғир, компьютер, зарурият туфайли содир этилган кабиларга бўлинади*)<sup>12</sup>.

**Бешинчи ёндашув:** Фирибгарлик бошқа мулкый жиноятлардан фарқи – фирибгарликда жабрланганлар фирибгарга мол-мулкни, мол-мулкка бўлган ҳуқуқини ўз хоҳиши билан топширади. Шунингдек фирибгарликдан жабрланиш доираси нисбатан кенгроқ бўлиб, фақат биргина жабрланувчини эмас балки, унинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига моддий ва бошқа турдаги зарар етказилиши билан ҳам фарқланади. Масалан, фирибгарлар кўпгина ҳолатларда жабрланувчиларнинг, шунингдек уларни яқинларининг мулкига тажовуз қилади. Бундай ҳолатда объект доираси анча кенгроқ бўлиб, жабрланувчи қариндошларининг мулки ҳамда мулкка бўлган ҳуқуқларини ҳам қамраб олади.

## Хулоса

Юқоридаги тушунчалар таҳлили куйидаги хулосаларни ишлаб чиқишга асос бўлади:

– “фирибгарлик” тушунчасининг луғавий маъноси – “алдамчилик, ҳийлагарлик;  
– муқаддас динимизда бировни чув тушуриш, савдо-сотикда алдамчилик маъноларида ишлатилган;

– **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 168-моддасида** фирибгарлик алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганининг мулкни ёки ўзганининг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш;

– Хорижий давлатлар хусусан, Қозоғистон, Арманистон, Азарбайжон, Молдова, Грузия, Украина, Беларусь Республикаси ва Россия Федерацияси жиноят қонунчилигида Ўзбекистон жиноят қонунида келтирилган таъриф билан ўхшаш мазмунда акс эттирилган;

**Айрим хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида** фирибгарлик тушунчаси фарқланади. Масалан, Япониядава **Германия** (фирибгарлик бошқа шахсдан мулкни алдаш орқали эгаллаш) Хитой (фирибгарлик алдов асосида қилинган хатти-ҳаракатдир) АҚШ (фирибгарлик деганда алдов тусига эга бўлган усул, келишув ва серқирра ҳаракатлар) Австрия (фирибгарлик жабрланувчининг маълум бир ҳаракатни амалга ошириши ёки унга имкон бериши ёки фактик алдаш туфайли ҳаракатсизликни амалга ошириши) фирибгарликнинг тушунчасида ўзаро фарқларни учратиш мумкин.

Юқоридаги тушунчалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, фирибгарликнинг тушунчаси унинг содир этиш усули, шаклари ва қўллаш методларидан келиб чиқади. Масалан, фирибгарликка оид барча тушунчаларда бировни алдаш орқали мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар кузатилади.

<sup>11</sup>Савченко А.В. Уголовное законодательство Украины и федеральное уголовное законодательство США. Киев: КНТ, –2007. – Б.596.

<sup>12</sup> Серебренникова А.В. Уголовный кодекс Австрии. –М., Зерцало, 2001.–С.144.



## References:

1. Телефонное мошенничество // [Электронный ресурс]. <https://www.tadviser.ru/index.php/> Статья: Телефонное\_мошенничество/(дата обращения: 10.04.2023).
2. <https://pravo.ru/news/237547/>
3. Мошенничество с банковскими картами и платежами. <https://www.tadviser.ru/index.php/> Статья: Мошенничество с банковскими картами и платежами (дата обращения: 10.04.2023).
4. Электрон манба: [23/03/2022]file:/Dissertatsiyaning%20elektron%20nuxsasi%20(pdf).pdf
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 8000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.V. – Т: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 348.
6. Муслим 1/164; Доримий 2/2596; Ибн Можжа 2/2225; Аҳмад 2/9385; Ҳоким 2/2154-2156; Табароний «Мўъжам ал-авсат» 1/993, 3/2490, 4/3773, 4203, 8/8360; «Мўъжам ал-кабир» 11/11553, 22/524; Байҳақий «Сунан ал-кубро» 5/10743; Суютий «Жамъ ал-жавомеъ» 1/100, 5763, 5765-5767; Ҳайсамий «Мажмаъ аз-завоид» 4/6345- 6348; Абу Авона 1/123; Ибн Абу Шайба «Муснад» 1/721; «Мусаннаф» 7/23607; Табризий 2/3520; Таҳовий 3/1136; Абу Нуайм «Маърифат ас-саҳоба» 11/3663
7. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ёлғон – Т.: «Nilol-Nashr» 2019. – Б. 5.
8. Коробоева А.И. Уголовный кодекс Японии. СПб., Юридический центр Пресс., 2002.– С.226.
9. Шестакова Д.А. Уголовный кодекс федеративной Республики Германии. – СПб., Юридический центр Пресс, 2003. –С.524.
10. Коробоева А.И. и Чучаева А.И., пер. С китайского проф. Хуан Даосю. Уголовный кодекс Китая. – М.: ООО «Юридическая фирма контракт», 2017. – 98-102 б.
11. Савченко А.В. Уголовное законодательство Украины и федеральное уголовное законодательство США. Киев: КНТ, –2007. – Б.596.
12. Серебренникова А.В. Уголовный кодекс Австрии. –М., Зерцало, 2001.–С.144.